

## **ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ**

### **Қисқача таснифи**

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига ҳар томонлама интеграциясини чуқурлаштириш каби долзарб масалани хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётини илмий нуқтаи назардан ўрганмасдан ҳал этиб бўлмайди. Дунё мамлакатлари маълумотларини мукамал даражада билмоқ инсоният цивилизациясининг ютуқларидан ва тажрибасидан тўла баҳраманд қилади, умуминсоний кадриятларни англаб етишга кўмаклашади ва дунё миқёсида мавжуд бўлган муаммоларнинг тарихий илдиэларини излаб топишга имконият яратади.

Ушбу лойиҳа олий ўқув юртлири ва ўрта таълим тизимида дарсларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, ахборот ресурс марказларининг маълумотлар базасини электрон ўқув қўлланмалари билан бойитиш, ўқитувчи ва талабаларнинг ахборотни қидириш ва йиғишга сарфланадиган вақтини тежаш мақсадида тавсия этилади.

### **Асосий кўрсаткичлари**

Электрон ўқув-қўлланмада Осие қитъасига кирувчи 47 та давлат ҳақида маълумот берилади. Хусусан, мамлакатларнинг расмий номланиши, географик жойлашуви, иклими, харитаси, маъмурий тақсимланиши, давлат рамзлари, аҳолиси ва дини, сиёсий тизими, иқтисодиёти, тарихи, маданияти, қадимий шаҳарлари ва бошқа кўплаб қимматли маълумотлар расмлари билан бирга акс этади.

### **Қўлланиш соҳалари**

Ушбу электрон ўқув-қўлланма таълим тизими, хусусан, олий таълим муассасалари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари, талабалар ва барча қизиқувчилар учун мўлжалланган.

### **Лойиҳадан кўзланган мақсад**

Жаҳон давлатлари ҳақида чуқур билимларга эга бўлиш талабаларнинг дунёқарашини кенгайтириш йўлидаги энг самарали восита сифатида аҳамиятлидир. Мамлакатимиз ҳамкорлик қилаётган давлатларнинг ривожланиш даражасини, халқларнинг менталитети, урф-одатларини, маданиятини тушуниб етиш, қолаверса, дунё халқларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва этник эволюциясининг асосий босқичлари, ҳамда йўналишлари ҳақида талабаларга ҳар томонлама билимлар бериш.

### **Самараси**

Ушбу электрон ўқув қўлланма талаба-ёшларнинг тарихий ва илмий дунёқарашини бойитиш, уларда мустакил фикрни қарор топтириш, инсоният цивилизациясининг ютуқларидан ва тажрибасидан тўла баҳраманд бўлиш, умуминсоний кадриятларни англаб етишга кўмаклашади.

### **Ташкилот номи**

УрДУ, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй. Н.Р. Аннаева, Н.М. Маткаримова.  
Телефон: +998942311557; +998937462122; e-mail:annaeva\_n 81@mail.ru,  
ms.mnm 79@mail.ru.